

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 29 (4535).

11

ФЕВРАЛЬ

ЛАЙШАНБА

1971 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

— КПСС XXIV съездини муносив меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз! — Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикасининг ахил коллективни шу кечало кундузда ана шундай широр остида баракали ишлашмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари ўтган юбилей йилини ҳам улкан меҳнат ютуқлари билан якунлаган эдилар. Улар жунни қайта ишлаш йиллик планини 109,7

Т. ЖУРАЕВ.

## Я Н Г И М А Ш И Н А

Қўйилдаги теплица комбинатида шу вақтга қадар қўчатлар ўтказилган тувакчалар қўлда тайёрланар эди. Бу эса қўчатлар ишчи кучини сарфлашга сабаб бўларди.

Яқинда комбинат маъмурияти бу оғир қўл меҳнати енгиллаштириш мақсадида «ИТ-9» маркали янги машина сотиб олди. Машина соатига 7000—9000 тага етказиб чиринди тувакча тайёрлаб берапти. Авваллари бу ишда 40—55 киши банд бўлар эди.

17 апрель Коммунист-тик шанбалик куни

## ТАШАББУСГА ҚЎШИЛДИЛАР

Москвадаги Ленин комсомоли номи автомобиль заводи коллективининг 17 апрель кунда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуслари кун сайин кенг қўл очмоқда. Области-мизнинг қўлаб қурилиш, саноат корхоналари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашмоқда. Шулар қаторида пойтахтимиздаги «Шарқ» мебель фирмаси ҳам бор.

Мебельсозлар шу кунги иқтисод қилинган материаллар ҳисобига 12 та мебельлар комплекти, 50 та стул, 40 та буфет ва 100 та болалар стуллари ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Умуман эса шу кунги 12 минг 860 сумлик маҳсулот реализация қилинади ва у бешйиллик фондида топирилади.

А. АЗИМОВ.

## ТУЎҚЗИНЧИ БЕШ

### ЙИЛЛИК ФОНДИГА

КПСС XXIV съездида ҳамда В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида Москвадаги Ленин комсомоли номи автомобиль заводи ишчиларининг давлатни Тошкентдаги химия-фармацевтика заводи коллектив қўллаб-қувватлади.

Корхона меҳнаткашлари шу кунги йил бошидан буюн тежаб қилинган электр қуввати ҳамда ёнлиги ҳисобидан ишлашга ва 15 минг сумлик доридармон ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Коммунистик шанбалик кунда ишланган ҳамма пулни коллектив тўғрисидаги беш йилликни муздатида илгари бажариш фондида топиришга қарор қилдилар.

(ЎЗТАГ).

## ТЕПЛИЦАЛАР ҚУРИЛИШИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Ташқарида қишнинг совуқ вафаси, ичкарида эса саратон ҳарорати. Столдаги тарелкаларда қишқил помидор, қурак бодринг, кўк пивз ва ҳозиргина узилган редиска. Таомлар ёнида укроп, кашич. Ёз ноз-неъматлари қиш дастурхонини тўқини-сочин қилиб турибди.

Бугунги деҳқонлар одамларнинг турли-туман сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш тўғрисида фақат кўнлаб ва ёзда, кўз фаслида қай-гурмайди. Улар меҳнаткашлар талабини йил-ўн икки ой тўла қондириш ҳақида ўйлайдилар, шу йўлда ишлайдилар. Яқин-яқинларда ҳам май ойининг ўрталарида, июнинг бошларида ҳосилини пишириб етказган деҳқонга ҳамма қўйил қоларди. Ҳозир қиш чиласида помидор, бодринг, ҳар турли резавор экинлар маҳсули кишиларимизга тортиқ қилинмоқдаки, эндиликда у шов-шувга сабаб бўладиган воқеа эмас.

Теплицаларда қиш ойларида қовун-тарвуз етиштирилмоқда. Юзлаб тонна бодринг, помидор териб олинаётган. Теплицаларда қаҳратон қишда ҳам гуллар чаммадек очилиб турибди. Лимон, апельсин дарахтлари ҳосил қўлданган шохлари эгилди ётибди.

Тошкент яқинидаги Ленин номи колхоздан иккидор деҳқон, ўз касбининг моҳир устаси Зайниддин Фахриддиновнинг аjoyиб ишлари ҳамма манзур. У теплицада саратоннинг ҳаётига нафасини ҳашишадан олиб қолган. У—замон деҳқонларига ҳос билимдон, фидокор, уздабурон. Унинг ишини кузатганимизда табият жойининг моҳирлик билан туртиб турган баҳодир қўз олдингизга келади.

Зайниддин Фахриддинов қилган ишнинг ҳамма колхозда, совхозда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун сабот, мана кунт билан курашсин, касбага меҳор, одамларга муҳаббат кўзи билан қарай билиш керак. У кишилар дастурхонинда ҳаммаюқат, айниқса тансиқ бўлган пайтларда мана-чеве турган, таъовул қилиш учун истаганча ола билсалар, шунинг ўзи деҳқонга катта мукофот, меҳнатига берилган бекиёс баҳо, дейди.

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозида теплица ташкил этилганга йигирма йилча бўлиб қолди. Шу йиллар давомида колхоз теплицадан катта даромад кўрди. Албатта, бундан йигирма йилча бурун теплица ташкил этиш, уни йўлга қўйиш ҳозиргидек қўлай эмас эди. Қўрилиш материаллари, газ ва шулар сингари муҳим омиллар етишмас эди.

Бугунги кунда хўжаликларда, айниқса Тошкент, Янгйўл, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари яқинидаги колхоз ва совхозларда теплицалар майдонини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, саноат шаҳарларини меҳнаткашларини деҳқончилик маҳсулотлари билан қиш фаслида ҳам мўл-кўл таъминлаш учун имконият мавжуд. Аммо, Тошкент шаҳар атрофидаги айрим хўжаликларни ҳисобга олганда, Янгйўл, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари яқинидаги колхоз, совхозларда теплица қуриш талабга мўлақот жавоб берайди.

Очининг айтганда, ҳали бу жойлардаги хўжаликларда теплица қуриш ҳақида ўйлаб ҳам қўрилмаган.

Саккизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида республика миз пойтахти Тошкент яқинидаги колхозларда ҳам теплица кам эди. Республика партия ва

ҳукумати қишлоқ хўжалик ораганлари эътиборини шу муҳим ишга қаратди, шаҳар атрофидаги қишлоқ дўйон партия ва совет ташкилотларини унга алоҳида эътибор беришга даъват этди. Уларга зарур моддий ёрдам кўрсатилди.

Қувонч билан айтиш мумкинки, 1971 йилга келиб, шаҳар атрофидаги колхозларда махсус лойиҳалар асосида қурилган олти гектар теплица ишга туширилди. Бу теплицаларда ҳозирги пайтда шатр лумий оғатлашнинг корхоналари, дўноқларга қўлаб бодринг, помидор, кўк пивз ва резавор экинлар маҳсулоти чиқариб сотмоқдалар.

Оржоникидзе районидagi «Коммунист» Қалинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозларида ишга туширилган теплица майдонларидан қўлаб ҳосил йиғиб олинмоқда. Қўйилқ яқинидаги теплица комбинати секцияларидан ҳар кунги ўйлаб тонна бодринг ва помидор шаҳарга жўнатиб турилибди. Буларнинг ҳаммаси қувончли, албатта.

Лекин, Тошкент шаҳар аҳолиси сонин йил сайин ўсиб бормоқда. Ана шунинг ҳисобга олганда шаҳарини сабзавот ва мена-чеве билан таъминлаш, айниқса, бу хилдаги маҳсулотларини қиш фаслида етказиб бериш ҳали талабга тўла жавоб беришмайди. Асосан, сабзавотчилик билан шугулланадиган Қалинин, Оржоникидзе районларидаги бир қанча хўжаликларда катта-катта майдонларда теплицалар барпо этиш планлаштирилган. Бу ишларнинг бошланганига бир ярим-икки йил бўлиб қолди. Теплицалар қуриб ҳам қўйилган. Аммо, иситиш қозонлари ўз вақтида қўрилмаётганини ёки газ келтириш кечиктириб юборилганлигини сабабини бу майдонларнинг умрини бермоқда ўтмоқда. Қалинин районидagi Оқунибоев номи колхозида теплица қўрилаётганига икки йил бўлди. Лекин «Ўзбекгаз» идораси раҳбарлигининг айби билан теплицага газ олиб келиш ўринсиз соғаблар рўқча қилиниб, кечиктириб юборилмоқда. Колхозларнинг теплица қурилишига ажратилган унумдор ердари фойдаланилмай ётганлиги ана шу «Ўзбекгаз» раҳбарларини нима учундур ташвишлантирмайди.

1971 йил давомида колхозларда тўрт гектар, умуман об-ласть хўжаликларда янги беш йиллик йилларида саккиз гектар янги теплица қуриб битказилсин, ҳосил бериши планлаштирилган. Лойиҳалаш ташкилотлари, ёқилғи билан таъмин этиш ташкилотлар ўз зиммаларидаги вазифанинг иш-хўяда масъулиятли эканлигини тўла ҳис этишлари, колхозларда қўрилаётган теплицаларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш учун курашшлари керак.

Саноат шаҳарлари меҳнаткашларини қиш фаслида ҳам сабзавот маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш учун зарур тадбирларни амалга ошириш керак. Шаҳарлар яқинидаги колхоз ва совхозларда теплицалар қуришни йўлга қўйиш, улар қурилишини тезлаштириш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Халқимиз теплицаларини ҳа-минша баҳор, қишда саратон, деб таърифлайди. Қиш фаслида ҳам дастурхонларимизда ёз ноз-неъматлари мўл-кўл бўлсин. Бу соҳада халқ талабини тўла қондириш учун курашайлик.

## Меҳнат зарбдори



ОЛМАЛИҚ химия заводи республикамизнинг колхоз-совхозларига қўлаб минерал ўғит-лар етказиб бермоқда. Суратда: корхонанинг катта инженери Анвар Салоҳидинов контроль-ўлчов асбоблари ёрдамида минерал ўғит ишлаб чиқариш жа-раёнини кузатиб турипти.

И. Глауберзон, В. Сироткин фотоси.

## РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ЧИНОЗ, (телефон орқали олинди), Собир Раҳимов номи колхозининг бош инженери Иззат Рўзमतов съездодди мусобақаси хўжалик тракторчилари ўртасида кенг қўлач ёётганлиги ҳақида бизга мароқ билан гапириб берди:

— Бизда 37 киши трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини екишга тайёрлаётимиз. Нозимбой Зоҳидов, Абдусамид Мадиков, Мулламур Латипов, Сайдали Кенжабоев каби сергайрат меҳанизаторлар техника ремонтини жадаллаштир-моқдалар.

Хўжаликда 42 чопиқ трактори бор. Ишни пухта ташкил этган тракторчилар бу «пулат от»ларни қисқа вақт ичиди тўла ремонтдан чиқариб қўйишди. 14 та ҳайдов тракторидан 12 таси тайёр. 13 та чигит экадиган селкалар қўлдан чиқиб қолди. Колхоз меҳанизаторлари ер текислаш, ариқ қазиниш машиналарини ҳам тўла ремонтдан чиқариб қўйишди.

## МЕЛИОРАТОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Бугунги кунда коммунистик мусобақасининг 1970 йил IV кварталга якуни бўйича «Таш-мелиораторлар» трестининг коллективига СССР Министр-лар Совети ва ВЦСПС нинг кўчма Қизил байроғи берилади. Бу трестта қарашли ҳамма қу-рилиш бўлиналари ва уларга қарашли автобазалар уларига топирилган вазифаларини му-ваффақиятли адо этдилар. Бу трест коллективни юбилей йи-лидаги коммунистик мусобақада олган мажбуриятларини муваф-фақият билан бажардилар. Ўт-ган йилнинг биринчи ноябрида-ёқ йиллик камтал қурилиш та-шқари яна 2 миллион сумлик ҳажмда қурилиш ишларини ба-

жаришга эришдилар. Бу трест коллективни ўтган йили иккинчи ва учинчи кварталларда ҳам қурилишда жуда катта муваф-фақиятларга эришганликлари учун икки марта СССР меҳно-рация ва сув хўжалиги минис-трини ҳамда қишлоқ хўжалик ходимлари ва тайёрлаш касба-союзлари Марказий Комитети-нинг кўчма Қизил байроғини ол-шинга муваффақ бўлган эди. Трестнинг қурилиш таши-лотлари ана шу даврда 7 минг гектар ернинг мелиоратини ҳо-латини яхшилашга эришдилар. 3,5 минг гектар майдонини ка-питал планировка қилдилар. 3 минг квадрат метр турар-жой биноларини қуриб фойдаланиш-га топиридилар. Улар «Хан-

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СУ-ГОРИШ ВА КОЛЛЕКТОР-ДРЕ-НАЖ ТАРМОҚЛАРИНИ ТОЗА-ЛАШ БЎЙИЧА 1971 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН

### МАЎЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Биринчи стун — районлар, ик-кинчи стун — тозаланиш бажарилиши, учинчи стун — шу жу-младан механизация ёрдами билан қилинган

|                |       |       |
|----------------|-------|-------|
| Бекобод        | 110,4 | 142,0 |
| Бўка           | 73,0  | 88,6  |
| Юқори Чирчиқ   | 51,0  | 89,5  |
| Оржоникидзе    | 48,0  | 74,0  |
| Оққўрғон       | 34,2  | 48,0  |
| Ўрта Чирчиқ    | 30,6  | 35,6  |
| Қалинин        | 30,2  | 45,0  |
| Пискент        | 30,0  | 34,8  |
| Янгйўл         | 30,0  | 43,0  |
| Бўстонлиқ      | 27,6  | 43,0  |
| Область бўйича | 46,2  | 62,0  |



Суратда: ТОШКЕНТ трактор-йигув заводидаги пешкада ишчи-лардан бири ўртоқ Н. Смирнов. У корхонанинг асбобсозлик ҳиссида 20 йилдан буюн ишлаб келмоқда. А. Тураев фотоси.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XVI ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент область XVI партия конференцияси 1971 йил 19 февраль, эрталаб соат 10 да, А. Навоий номидаги ўзбек дав-лат академик Катта театри биносидида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.



# БЕШЙИЛЛИК ОДИМИ

Шу куларда Чирчиқдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига кириб қолган, қизил меҳнат устидан қана. Ҳар бир ишчи ўз зиммасига оширилган мажбурият олган.

Бугун, Совет Иттифоқида катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган комбинат маҳсулотига талаб йил сайин, ортиб, қурилиш ташкилотларидан тушадиган буюртмалар кўпайиб бормоқда. Бу эса комбинатдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватларини оширишни тақозо этмоқда.

Комбинат кузарида керамзит-бетон плиталари ишлаб чиқарадиган цехнинг ишга туширилиши йилнинг биринчи ярмида қурилишда зарур ҳисобланган бу материалга бўлган талабни бярмунча қондириш имконини берди. Янги дех тўла механизациялаштирилган бўлиб, барча юмшаклар «адапти» машиналар бажаради. Цехда юқори вольтли электр узагичлар учун 22 метрлик мустақим тирговичлар ишлаб чиқариш ҳам икки баъарар ортиди.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар шуларгина эмас. Бу ерда йўлларга ётқизиладиган плиталардан тортиб, йирин-йирин плиталар, катта тўсин, тирговичларга ишлаб чиқаришмоқда. Фақат ўтган йилнинг йилнинг ўзига комбинат ишчи-хизматчилари 18 млн янги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйди.

Республикамизнинг барча саннат корхоналари қатори чирчиқлик азаматлар ҳам беш йилликни улкан муваффақиятлар билан янқуладилар. Комбинатда беш йил давомида жамин 700 минг кубометр керамзит ишлаб чиқаришдан бўлса, йилнинг йилнинг ўзига қурилиш ташкилотларига 130 минг кубометр керамзит етказиб берилди.

Бундан ташқари, комбинатнинг ўзига ҳам керамзитдан кенг фойдаланишмоқда. Масалан, плита ҳамда йирин панеллар ишлаб чиқаришда бетонли қоринмага керакли миқдорда керамзит ағдлаштирилиб, маҳсулот сифатини янча яхши қилиб тайёшлаяпти.

Тошкентдаги «1 Май» кўчасида бунёд этилган иккинчи ўн бир қаватли бино қурилишида ишлатилган, шунингдек, Ленин музейи

филмали, Марказий универмаг атрофларига ётқизилган рангли ва бежирим плиталар шу усулда тайёрланган.

Олмалиқ шаҳрида улкан химия комбинати қурилиши бошланган бир пайтда корхона ишчи-хизматчилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу корхона буюртмаларини бярмақт бажариш ҳақида зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишладилар. Улар қурилишнинг ўз вақтида темир-бетон маҳсулотларини билан ташкиллаган турли қатори комбинат янги ишлаб чиқаришга тўғривар қўйилган комплексга узлуksиз қурилиш материаллари етказиб бердилар. Шунингдек, комбинат маҳсулотини Олмалиқ рух заводи қурилишига ҳам пешма-пеш юнатилади.

## СЫЗДАН СЫЗДГАЧА

Ҳа, корхонада ишлаб чиқарилаётган турли-туман қурилиш материалларига талаб тобора ортиб бормоқда. Урта Осиё республикалари, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа жойларда бунёд этилаётган гинант қурилишлардан кўпайиб буюртмалар келиб турмоқда. Айниқса, темир-бетон плиталар, юқори вольтли электр тармоқлари учун зарур ҳисобланган тирговичларга эҳтиёж катта.

Зилилла натижасида қардош Доғистон халқи бошқа отир мусбат тушганда комбинат ишчи-хизматчилари уларга ҳамдардлик билдириш билан бирга, амалий ёрдам беришга тайёр эканликларини ишор қилдилар. Маҳаллада ўзбек қурувчилари бунёд этаётган турар-жой бинолари асосан комбинатда ишлаб чиқарилаётган материаллар асосида тикланмоқда. Янги кулар ичида ҳар бир 56 қаватли туртга кўркам бинолар қалити янқизилдан зарар кўрган меҳнаткашлар оилалари қўлга топширилади.

Қирғизистоннинг Иссык-Кул шаҳрида тез-

корлик билан қурилаётган 1104 ўринли мактаб биноси эса фақат комбинат маблаг, материаллари асосида бунёд этилмоқда. Қурувчилар билан даргоҳини шу йилнинг иккинчи кварталда қирғиз ўғил-қизларига совға этишмоқчи.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таънарини қаматириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорлик каби масалалар доим коллектив эътиборида турди.

Бундай талбирлар ўз самарасини бермоқда. Комбинатда бешйиллик план тошйирлиги асосий кўрсаткичлар бўйича муддатидан аянча илгари адо этилди. Пляндаги 54 миллион 540 минг сўмлик ўринга 55 миллион 580 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди, маҳсулотнинг реализация қилиш тошйирини эса 600 минг сўмга ошириб бажарилди.

Айниқса 7-цех коллективининг зафари қувончлидир. Азаматлар бешйилликни 4 йилу турт ой ичиде ўринлатиб, плянга қўшимча ўйларча минг сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқардилар. Шунингдек, 1, 10, 2-цех ишчи-хизматчилари ҳам ўз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан урдасидан чиқдилар.

Меҳнатнинг илмий асосида ташкил этилиши, цехлараро, бригадалараро ташкил этилган социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигининг кескин ошишига олиб келди. У бешйиллик плянда белгиланган 38 процент ўринга 51,3 процентга ортиди. Қўрилган соф фойда ҳам салмоқли бўлди.

Бундай қувончли ютуқларга комбинат аҳлининг ҳамкиҳат бўлиб ишлаши, техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш, иқтисодий ислоҳот асосида ишлаш усулига ўтилиши орқали эришилди.

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг ишчилари, илмий-иер-техник ходимлари, барча хизматчилари шу неча-кундузда КПССнинг XXIV съезди шарафига вахтада туриб ишламоқдалар.

Т. ҲУНОВ,  
Чирчиқ шаҳри.

## ТОШКЕНТДА ЯНГИ НОН ЗАВОДИ

Республика пойтахтида қурилган янги нон заводида ускулналарни жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Нонвойхона ҳар неча-кундузда бир юз қирқ тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу — пещ остида иширилган мазаали нон йиллиги ихтисослаштирилган Ўзбекистондаги дастлабки корхона бўлади.

Тошкент заводи республикада нон ёпиш «санатининг элти юқори механизациялаштирилган корхонаси бўлади. Заводда қопкаорсиз ун асраладиган омбор қурилган.

Бу йил Андижон, Гулистон ва Чирчиқда ҳам янги нон заводи қурилиши фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Тошкентда озиқ-овиат корхоналари комплексининг биринчи навбатини қуришга шайланган. Бу комплекс бир-сунтада олти минг тонна буғда нон, беш тонна ширинлик ва олти минг тонна манарон тайёрлай олади, деб мўлжалланмоқда.

(ЎЗТАҒ)

## СССРДА БИРИНЧИ

Қаттиқ иссиқ куларни ҳамма уйларни техника билан совитиб турадиган, қишда эса бутун шаҳардаги биноларни иситиб турадиган радиатор системаси ўрнатилган биринчи шаҳар Қозогистондаги Янгйузан шаҳри бўлади.

Янқанда Қозогистон ССР Министрлар Совети Янгйузан шаҳрининг бош планини тасдиқлади. Бу планин «Қазгостройпроект» институтининг ходимлари тайёрлаганлар. Манқиллоқ ярим оролидаги бу аҳоли ишайдиган пункт 1975 йилга бориб йирин ҳозирги замон техника қурилишларини ўзиде муассамлаштирган ажойиб шаҳарга айланади.

Янгйузан Қозогистон ССРда бунёд этилаётган ва бунёд бўлган бошқа шаҳарлардан ўзининг қурилиш ва бошқа хусусиятлари билан тамоман фарқ қилади.

Хўш, шаҳарнинг бош плани нималар билан характерли? 1975 йилга келиб шаҳарнинг уй-жой фонди 315 минг квадрат метрга баробар бўлади. Шаҳарнинг бош плани шаҳар майдони катталаштирилади, янқининг қуруқ континентал қўлим — дариолирини, албатта ҳисобга олади. Шаҳарнинг келгусида нефть санатининг йирин марказларидан бири айланиб кетиши ва унда турар-туман санат тармоқларининг вужудга келиши ҳам назарда тутилган.

Шаҳар умуман махсус де-

ворлар билан ўралади. Албатта, бундай деворлар ёнда иссиқ шамолиларнинг йўлини тўсади. Қаттиқ буронларнинг шаҳарга киришини анчагина қаматиради. Бош плянда Янгйузан аҳолига ихота ўрмонларини барпо этиш, шаҳарнинг ичиде одамлар ишайдиган кварталларга манзарали дарахтлар ўтказиб қўрилади. Шаҳар денгиздан 150 километр узоқликда жойлашган бўлишига қарамастан, юқорида баён қилинган шариотлар, шаҳар илқинининг мўътадил бўлишини таъминлайди. Лойиҳага мувофиқ сув денгиздан махсус қувурлар орқали келтирилади. Бу сувдан фойдаланиб, шаҳарда махсус фонтанлар, жуда кўп ҳовузалар яратилади. Қўлқавали биноларнинг деворлари иссини ўтказмайдиган, янқиб қурилади. Бунда маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланилади. Плянга мувофиқ, қуриладиган катта биноларнинг обналари уч қаватдан иборат бўлади. Ёзда шаҳарда ҳароратнинг 40 даражага етишини ҳисобга олиб сугорини мақсадлида келтириладиган сувлар ер остидан олиб келинади. Бу эса сувнинг ортиқча бугга айланиб кетишига, йўл қўймади. Янги йиллар ичиде Янгйузан шаҳрида 60 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади.

А. ОМИЛОВ,  
Тошкент Давлат Педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

Екут опа сиффа киргач, одатдагидек ўқувчиларини бир-ма-бир кўздан кечириб чиқди. Яна ўша Зикир, Баҳодир, Тамаралар йўл.

Уларга нима бўлдикин-а? Балки тоблари қониб қолгандир? Ҳозирроқ уй-уяларига бори, сабабларини аниқлаш керак. Ўзининг сиффа қониб кетиши, уят-ку ахир.

Машгулот тутайди. Ўқитувчи илмий бўлим мудирни хонасига кирди.

— Ўйчан қўриясиз, Екут опа? — сўради илмий мудир ўртоқ С. Иброҳимов.

Екут опа уч, турт ўқувчи дарсада бўлмаётганини, устига устак қор фанлардан ёмон баҳо олаётганлари ҳақида қўйиниб таширди.

## ЖОНКУЯР МУРАББИЯ

Шу дейман, ота-оналарни чақириб, яна бир навбатдан таъқирни мажлис ўтказди.

Синф ўқитувчиларини ҳам таклиф қилсак, — фикрини айтди Екут опа.

— Жуда яхши бўлади. Бошқалар ҳам бу фикрга қўшилса керак, — деди илмий бўлим мудир.

Кейса ўқитувчи Екут опа Сайдалиева бирор ўқувчи дарсада келмаса ёки бирор фандан уларумаса, масалага шундай жиддий муносабатда бўлади.

Жонкуяр ўқитувчи ташаб-

буси билан мактабда математика кабинети ташкил қилинди. Ёш математиклар тўғрисида ҳам ишлаб турибди.

Ўтган ўқув йилида у раҳбарлик қилган 10-«А» синф 100 процент ўзлаштиришга эришди. Икки ўқувчи олтин медал ва икки ўқувчи Фахрий ёрлик билан етуклик аттестатини олди.

Опа дарсаларга пухта ҳозирлик кўради, унинг кўрғамали бўлишига эришади. «Синфга расм олиб кирилса, соқов ҳам тилга кирарди» деган ади Ўшанс-



Суратда: Разалкент мармар заводидаги илгор ишчиси Нина Портнова. Айни куларда у съездолди меҳнат вахтасида туриб, кузлик тошйиринини 1,5 ҳиссага етказиб бажариб келаяпти. И. ПОРТНОВ фотоси.

## «РАЗВЕДКАЧИЛАР»

Бундан бир ярим йил муқаддам В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида социология кабинети очилган эди.

Бу кабинет ходимларини келажак разведкачилари деб аташ мумкин. Иккинчи, социологлар бутунни кун камчиликларига «лупа» билан қарайдилар, эртанги кун вазифаларини олдиндан кўриб, уларни тезроқ ҳал қилишда студентлар, олимларга қўмаклашадилар.

Кабинет мудир В. Баранов ерданчилари билан аниқлаётган университет ҳаётининг кўзуси ҳисобланади. Уларда студентларнинг дунёқараши, талаб ва истаклари равшан кўриниб туради.

— Кабинет ташкил топгач, — дейди ўртоқ Баранов, — ишчи мана шу аниқлаётган тузилдан бошлади. Масаланинг муҳим томони ҳам шунда эди. Чунки аниқсизга қандай саволлар ёзилиши кераклигини белгилаб олиш, бу саволларнинг аниқ ва тушунарли бўлиши ишнинг муваффақиятини белгилайди. Студентлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар ҳамда университет жамоат ташкилотлари билан келишим, узоқ изланишлардан сўнг шундай варақа тайёрланди.

Аниқка ўттиз икки саволдан ташкил топган.

— Аниқсизга саволлардан, — деб давом этади кабинет мудир, — ўқув процесси, сиёсий-тарбиявий ишларнинг самараси, студентнинг дунёқараши ҳақида фойдалан фанларини билиб олаётиш. Бундай ярабларни ҳеч қайси мажлис ёки

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### ЁРДАМИ БИЛАН

БАҒДОД. 9 февраль. (ТАСС). Рамайд шаҳрида Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилаётган ойна ишлаб чиқариш заводининг биринчи навбатини ишга туширишга бағишланган таътанна маросим ўтказилди. Маросимда Ироқ саннат министри Таха Ал-Жазравий нутқ сўзлаб, мамлакатда биринчи ойна заводининг Ироқ миллий экономикаси учун муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Совет элчиси В. А. Лихачев ўз нутқда кўп йиллардан бери ривожланиб келаятган Совет-Ироқ иқтисодий ҳамкорлигининг самарадорлигини уқтириб ўтди.

Завод батамом қуриб битказилгандан кейин ҳар йил 23 минг тонна ойна, идиш, шунингдек, Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган Самаррадаги антибиотиклар заводи учун керакли бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бўлади.

Ж. ПОМПИДУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАМАКО. 9 февраль. (ТАСС). Абиджанда олинган хабарларга кўра, Филсуйи соҳили республикасида расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Франция президенти Жорж Помпиду Американинг Лаосга қилган интервенциясини қоралади. Франция президенти Абиджанда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Лаосдаги воқеалар хусусида таассуф қиламан, деди.

Хинди-Хитойдаги проблемаларни уруш йўли билан эмас, балки сиёсий музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишга эришиш лозим, деди у. У ана шу райондаги ҳамма чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилиши, ажабийлар интервенцияси тўхтатилиши ва халқларнинг муштатиликка бўлган ҳуқуқларни ҳурмат қилиниши кераклигини айтди.

### ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Коммунал хўжалиги министри З. Дрозд «Курье польски» газетаси саҳифаларидаги мақоласида келгуси йили Польшада қуриладиган квартираларнинг сонин 11 процент қўялади, деб ёзади. 1971—1975 йилларга мўлжалланган шу беш йилликда уй-жой биноларини капитал ремонт қилиш учун тегишли маблагларнинг 25 процент қўйайтирилганлиги меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилашда катта роль ўйнайди.

Шу вақт ичиде шаҳар транспорт парки 20 процент қўялади. Трамвай ва автобуслардан фойдаланувчи шаҳарлар аҳолиси сонин 10 процент ошиди. Перспектив планларда Варшавада метро қуриш ва бошқа йирин

### ШАҲАРЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ РАЙОНЛАРИДА ЕР ОСТИ ТРАМВАЙ ТОННЕЛЛАРИ БАРПО ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛАДИ.

### ТУРМУШ ФАРОВОН БЎЛМОҚДА

СОФИЯ. (ТАСС). Ўтган йили Болгария аҳолисинга 1969 йилдагига нисбатан қарийб 40 миллион левлик кўп товар сотилди. Бутун бир йил мобайнидаги товар оборотининг ҳажми беш миллиард 60 миллион левга етди. Бу рақамлар аҳолининг ҳарид қуввати ошганлигини, унинг фаровонлиги ўсганлигини кўрсатувчи далилдир.

1971 йилда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришини аянча кўшайтириш кўзда тутилди. Шу йил аҳолига товарлар сотиш 7,6 процент қўялади.

### ВЕНГРИЯ МАШИНАСОЗЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Венгрия машинасозлари ишлаб чиқараётган буюмларнинг шуҳрати ҳозир жуда кўп мамлакатларга тарқалган. «Икарус» маркали ўн минглаб автобуслар жаҳондаги кўп давлатларнинг йўлларига қатнашмоқда. «Венгрияда ишланган» деган тамга босилган станоклар ва аниқ приборлар халқаро миқёсда тобора кўпроқ шуҳрат қозонмоқда.

Республиканинг машинасозлик санати тез суръатлар билан ривожланимоқда. Бу йил унинг маҳсулоти 7,5 процент қўялади. Венгрия машинасозлик буюмларининг энг катта харидори Совет Иттифоқидир.

## МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАРИ

### ПАРВОЗ ТУГАЛЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК. 10 февраль. (ТАСС). Америка космик кемаси «Аполлон-14»нинг парвози тугалланди. Бугун Москва вақти билан 00 соат, 0,5 минут ичиде космонавтлардан А. Шепард, Э. Митчелл ва С. Руса бўлган капсула Тинч океанда Самоа оролдоридан тахминан бир ярим минг километр жанубда сувга қўнди.

Шу районда турган вертолет ташувчи «Нью орлеан» немаси космонавтларни ўз бортига олди. Уларнинг кайфияти яхши. Космонавтлар сувга қўнгандан кейин қарантиндан ўтдилар. Кема бортидан улар Самоага, шундан кейин Техас штатидаги Хьюстон шаҳрига келадилар.



СССР В. И. Ленин номидаги «Шкода» машина қурилиш комбинати буг турбиналари ишлаб чиқаришда энг йирин корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда 50 мингдан то 200 миң киловатт қувватли агрегатлар яратилади. «Шкода» маркали туширилган турбиналар Болгария, Венгрия, Руминия, шунингдек Африка, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Суратда: заводнинг илгор ишчида тақрибли слесарь Ярослав Фремер (ўнгда) шогирдлари В. Тейчек, Я. Карас билан турбина сифатини кўздан кечириб келмоқда. В. СОВОЛЕВ фотоси, (ТАСС фотохроникаси).





**Ҷарбӣ**  
ВАТАНПАРВАРЛИК  
САҲИФАСИ

ТОШКЕНТ  
“ҲАҚИҚАТИ”

№ 65



# БИЗГА ЁЗАДИЛАР

САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

«Исон ва қону» мазмунига бағишланган савол-жавоб кечаси жуда қизиқarli ўтди. Кечага йилгиларга Бўстонлик прокурори ўртоқ Р. Қўрбонов совет қонуничилигининг коммунистик қурилишдаги роли, район халқ судининг раиси Юсупов оила ва никоҳ қонуниларига тўғрисида батафсил гапириб беришди. Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи К. Салометов, жамоат тартибни сақлашдаги баъзи бир нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш тўғрисида тўхтайди. Савол-жавоб кечаси тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Кеча Бўстонлик райондаги «Ленинград» колхоз клубида ўтказилди.

Р. МИРАБЗАМОВ.

## ҚАСБГА МЕХР

Тожи ака Фузайлов 4-«Оҳангарон» совхозда анча обрў-этиборга эга. Совхоз коллективи бу ишчан шоферни хурмат билан тилга олишди. У қасбга меҳр қўйган Тожи ака 17 йилдан бери шу қасбда меҳнат қилиб келмоқда. У доимо машинани техника ҳаровига ва қўча қондаларига риоя қилган ҳолда бошқаради. Ҳозир Тожи ака бошқараётган «Газик» машинаси қанчалар ремонтсиз тўрт юз минг километр йўл босди.

А. АЙНАҚУЛОВ.

## ҲУРМАТГА САЗОВОР ПОЧТАЛЫОН

Ражаб Миликаев Ўрта Чирчиқ районидagi Ялпоқтепа қишлоғида почтабонлик қилади. Илгирилари 200 га яқин ҳўжалик 160 дан ортиқ газетга-журнал олар эди. Почтабон ўзининг ишчанлиги, ҳаракатчанлиги билан ошқоқларини унга жалб қилди. Ҳозир ошқоқлар 950 кишига эди. Ражаб Миликаев колхозчиларнинг пенсияларини ҳам ўз вақтида етказиб беради. У аҳолига газетга-журналлардан ташқари пул-буғум лотереялари тарқатишни ҳам яхши йўлга қўйган.

Қ. АҲМЕДОВ.

## ИНСТИТУТ БИНОСИ


Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидagi Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология илмий текшириш институтининг янги биноси қад қўтармоқда.

Уни «Главташкентстрой»га қарашли 1-трест 29-қурилиш бошқармасининг биноорлари бунёд эттирмоқда. Ҳозир Садриддинов бошлиқ дўрадорлар ва Турсун Садыиев бошлиқ бўёқчилар бригадалари қурилиш ишларини 120—130 процентдан бажариб, объектни графикадан олдин фойдаланишга топширишмоқчи. Сайфи Абдулов, Галина Петухова, Рушания Хайриева, Эркин Мақсудов, Татьяна Хайруллина каби ўнлаб илгор қурувчилар партия XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида ишлаб, нормасини 140—160 процентга етказиб адо этишяпти.

М. КАРИМОВ.

Тошкентдаги радио эшитириш ва овозни ёзиб олиш уйига янги апаратуралар келтирилди. Жумладан, стереофоник мосламалар ҳам ўрнатилмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) катта инженер К. Умаров, инженер Ш. Хамидов ва бош инженер П. Саломовлар иш устида.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.



Бу суратин фотомухбир В. Кожихин Чирчиқ шаҳарларининг қўғина меҳнаткашлари яхшироқ кўнни маишу эрда утказадилар.

## АРХЕОЛОГЛАР ТОПИЛДИҒИ

Самарқанднинг бутун дунёга машҳур обидаси — Шохизинда ёдгорлик ансамбли яна тўрт ёшга улғайди. Тарихий ёдгорликка яна шундай тузатиш киритган археологлар Шохизинда бундан аввал тахмин қилганидан, ўн тўрттинчи асрда эмас, ундан анча илгари, барпо этилганини аниқладилар.

Олимлар теъалик юқори майдончасини тадиқ этар эканлар, бу ерда ўнтинчи асрда машҳур бўлган мадраса қолдигини топдилар. Дастлаб ер қатлами остида пештоқ, кейинчалик талабалар йаганан бино ҳам топилди. Қадимий ишотининг умумий майдони 400 квадрат метрга тенг келди.

Илгари Шохизинда йўлнинг ҳар икки томонида Темур ҳўжиронлиқ қилишдан янги-уч аср

муқаддам барпо этилган даҳмалар ва бошқа қурилишларнинг қолдиқлари топилган эди. Мақбарадан бирининг деворида нодир нақш солиingan ёғоч қарнизининг бир қисми топилди, бу ўн биринчи—ўн иккинчи асрларга тааллуфлидир. Буларнинг ҳаммаси Шохизинда реставрация қилишнинг тамомлаш юзасидан бақариладиган иш ланларини аниқлаш учун ёдгорлик комплекс тадиқ қилинган пайтда топилди.

Шохизинда тадиқ этишнинг дастлабки натижалари маъсуф асарда умумлаштирилди. Бу асарга, жумладан қадимий мақбарага барча тадиқларнинг аниқ тарихимаси киритилган. Бу иш биринчи марта бажарилди.

(ЎТАГ).

## ДОНОРЛАР

Яқинда Тошкент темир йўл бўлими донорларининг сўёти бўлиб ўтди. Унда комитетларнинг ишлари яқинлашди. Тошкент темир йўл бўлими «Қизил ярим ой» жамияти (комитет раиси иккинчи темир йўл касалхонасининг бошлиғи Моҳир Қомилов) Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Марказий Комитетининг қизил йимеллини олишга муваффақ бўлди. 15 киши СССР донори биринчи даражали нишон билан ва 40 киши иккинчи даражали нишон билан мукофотланди. Коллективда донорлар сўёти ошиб бормоқда. Улар орасида врачлардан З. Шохзонова, М. Гутнова, Л. Берналова ўртоқлар йилига 4—5 марта лаб нон бериб, бошқа донорларга намуна бўлмоқдалар.

А. КОМИССАРОВ.



# АДАЖОН, БАҒРИМИЗГА КЕЛИНГ

Зикриллонинг ким эканлигини, алу-юрта овоза қилмоқчи эмас эдик. Лекин начора, қўнлан бери ҳасталик тушадида фарзанд йўлларига мунтазир бўлиб ётган муштира онанинг ноласи, оқшом чоғида кўчага чиқиб ота йўлини пойлаб, ахири муштира йўлга қайтган тўрт мурғанининг ўзини бизни қалам олишга даъват этди.

Уни бир парча атлиғидан бағрига босиб, кўкрак сўти бериб, юзб-таранган, елқисига оқиб-лаб оёққа туртишган фарзанди ўз меҳрибон онанининг кўзларини гирён, бағрини пора қилса, «онам бор эди» деб лоқайиб бир нафас эста олмаса бундай ноқобий фарзанда ҳар қанча таъна тошларини отсанг арзийди.

Зикрилло, деганимиз она қадр-қийматини, унинг иззат-ҳурматини оёқ ости қилибгина қолмай, ҳали мурғак тўрт нафар норасида болаларини отасиз тирик етим қилиб қўйганлигини эшитиб, кўрб турганингиздан кейин унга нисбатан нафрат ёғилмайди, дейсизми?

Зикрилло Қосимовни ўзи ким дейсизми? У Тошкент аэровокзалида юк ташувчи бўлиб ишлайди. 1952 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб келган. Манжава кўчасида турувчи Мукамбар исмли қизга ошину бекарор бўлади. Унинг орақидан солдек эргашиб, қаерга боради бўларасидан оқ уриб чиқаварди. Қўнлардан бирда Мукамбарнинг йўлини тўсиб: «сен бу дунёга келмаганингда, мени келишимдан келмаслигим кўпроқ эди» деб ўпкасидан тутун чиқарган эди деб Зикрилло эди. Улар бир-бирини сирдош, ҳаммаҳалла эмасми? Ота-оналари ҳам қўл очиб икки ёшга оқ фотиха беришди, қўша қариб серфарзанд, сердавлат бўлишини дейишди. Икки томон уул-ғулар яхши ораулар билан юртга дастурхон ёзиб, ўз фарзандларининг бахтли тўйларини ўтказишган бўлишди.

Орадан йиллар ўтди. Бир-бирига вақтинча туташган икки қазб ўртасида бир-биридан ширин фарзандлар дунёга келди. Одатда

тили энигини чиқиб келадиган фарзандлар қўнчи ота билан она ўртасидаги муҳаббат занжирларини янада қаттиқроқ боғловчи эди. Афсуски, тўйдан илгари Зикрилло юрағида аланга олган муҳаббат ўтлари сўниб бораверди. У аста-секин ўз иқбolini йиртиб, турли ҳўйла-найранглар қўрсата бошлади. Бора-бора Зикрилло уйига «адажон келдингизми» деб йўлга пешвоз чиқадиган фарзандлари бағрига бир кун келса, уч кун қорасини кўрсатмайдиган бўлиб қолди. Бир балоси бўлмаса, шўдгорда қўйруқ на қилур деган, халқимиз.

Йўловчилардан тушган пул Зикриллонинг фикрини ўзгартириб, йўлдан оздирди. Зикрилло ўзи билан бирга ишлаётган қладованчи С. Гайдукова исмли аёл билан тил топишиб, ўзларича бир бирларига муҳаббат изҳор қилишган эди. Енг ичиди пайдо бўлган бу

## АХЛОҚ, ОДОВ ТЕМАСИДА

аҳду паймон кейинчалик бориб сўз юзасига қалиб қичди. Бир бақтарлар атайлаб Мукамбар учун дунёга келган Зикрилло биратўла Гайдукованинг уйига келиб, узоқла тўтиб ётиб олди. Ҳа, шу-шу кеч бўлди дегунча чап оёғи ўнг оёғини Гайдукованинг уйига бошлайдиган бўлиб қолди.

Мана икки йилдирки, ҳар оқшом тўрт гўдан ота йўлига илгирор боқди. Кўшин ҳовлилардаги болалар оталари шидан қайтиб совға билан бағрига босганларидан ёш тўнлашди. Адамиз қачон келаркин, бизга ҳам ўйинчоқлар олиб келармикин деган мурғак туйғулар дилларини ўртади. Йўқ-йўқ, Зикрилло ўз фарзандларининг, кўндан бери ҳасталик тушадида ётган 83 ёшлик муштира она Шакар буғининг шу қадар интизорлик билан интиқиб кутаётганлиқларини тасаввур этиб, ҳаёлига келтира оларимиди.

Кўни билан ота йўлини пойлаб, нарчаб ухлаб қолган қизалоғининг уйқу аралаш «ада-адажон» деган нафасини сезармиди?

Севган хотини, фарзандлари «ёмон» экан, уни бир парча атлиғидан бағрига босиб катта қилган, кечалари уйқусини тарк этиб, кўкрак сўти берган муштира онанинг айби нима? Бутун умрини, ёшлигини унга сарфлаган онани нима учун келиб кўрмайди? Нима учун бир оғиз ширин сўз билан дардини енгиллатиришга аризмайди?

Зикрилло! Яхшики акаларинг бор, ана шу акаларинг онанинг бошларига кўтариб юришибди. Баракалла шуларга. Бордию, ҳаста онанинг кўни сенга қолганда ҳоли не кечар эди? Бунга тасаввур қилиш қийин. Чўки, оқ ювию, оқ тараган, ардоқлаб катта қилган она бутун ҳасталик тушадида йўлинига қўзларни мунтазир бўлиб, бир оғиз «яхшимиз, сиз, тузукмиз», деган сўзинга илҳақ бўлиб ётганда ундан ҳабар олмagan фарзандан — сендан нима ҳам кутиш мумкин?

Ҳа, бир туп палакда етилган қовуғининг бири ширин, бири бе-маза бўлганидек, Шакарбуви на-донидида ўсиб, улғайган, эл, ака-ука, фарзандлар назаридан қолган Зикрилло ҳам ана шундай бе-маза бўлди десак ким ишонармиди?

Зикрилло, ҳали ҳам вақт эрта, Эс-ҳўшининг йил. Хатойининг бў-дини олиб, уйинга қайт. Фарзандларинг бағрига қайт. Сенинг эртанги кўнинг, бахтинг, чирогинг ана шу фарзандлар. Ана шулар сенинг бутун қилмишларининг кечириб, «адажон, бағримизга келинг» деб тақирчилади. Ахир, киши учун ишдан ҳориб-нарчаб уйга қайтганда фарзанднинг елкага осилиб «адажон» ҳойманг, менга йнма ойиб кейдигиз» деган сўз эшитишдан кўра бахтли нафса борми? Сенга ана шу бахт насиб қилган экан, бу бахтин ўз қўлини билан, ахлоқинг билан қў-лама.

А. ШАИХОВ.

## РАҲМАТ, СИЗГА ДОКТОР

Дард туида қўзғиди деган-ларича бор экан. Кўни бўйи бийонидек юрган бола ярим кечага бориб алаҳлаб бошлади. Аъзойи баданни ошадан ёнади. Олдинги нима қилишни билмай шовиб қолди. Охири бўлмагач, Раҳим акани чақир-ришга қарор қилдик.

Раҳим ака ишдан қеч қай-тиб, энигини уришга ётган экан. Аниқ-талиқ қийиниб, биз-никига шовишди. Бола қаттиқ шамоллаган экан. Дарров укол

қилди. Сўнг дори олиб келгани уйига чиқиб кетди.

Раҳим акани шўнинг учун ҳам бутун маҳалла севади. Биронинг бошига ташвиш туш-са, кўни кун демая, туғини-тур демай ёрдамга ошмади. Маҳалла комитетининг раиси сифатида ўз бурчин адо эт-гач, халқ судининг маслаҳатчи-си сифатида яна жамоатчилик юмшларини бажаришга кири-шди. Тиниб-тиничиш нима эканлигини ҳеч билмайдиган, у шўнга ўрганган.

Раҳим аканинг шифокорлар сағига келиб қўйилганига ҳо-зир 32 йил бўлди. У дастлаб Тошкентдаги эпидемиология ва микробиология институтини ҳўз-радаги тиббий мактабни тамон-лади. Уруш бошлангич билан биринчилар қатори фронтга отланди. Доимо жағалчан ора-сида бўлиб, яраланглар дар-дига малҳам изладди. Ҳалаба-дай сўнг кўкс ишновларга тў-либ, яна Тошкентга қайтди. Ушандан бери у 4-терм касал-ликлари диспансерида катта фельдшер бўлиб ишлаб кел-ляпти.

М. МИРЗАЕВ.

## СПОРТ ПОЙТАХТ ШАХМАТ ЧЕМПИОНАТИ

Марказий «Пахтакор» стади-онидagi республика шахмат клубида пойтахт чемпионати ўтмоқда.

Унда саралаш мусобақалари-да голиб чиққан 20 киши ил-тирок этипти. Уларнинг қўнчили-ти спорт мастерлигига номзод. К. Малинчинев, В. Власов, М. Юсупов, О. Сиддиқов каби-лар республика чемпионатлари-да, ҳатто Внутритуфтоқ мусо-бақаларида ҳам ўз кўчларини бир неча бор синаб қўнган тажрибали шахматчилардир. Болалар ўртасида Тошкент чемпиони Акрам Тошхўжаев бўлса, бор йўғи уч йилдан бери шахмат билан «ошначиллик» қилган, ҳолос. Лекин, шу ора-да у Ритан, мактаб ўнучилари-ни мамлакат чемпионатини «қўздан кечириб» нелишга, ўзини анчагина иштиб олиш-га улгурди. Акрамдан ҳам осонликка очко олиб бўлмайдиган. Хуллас, қўнчилиларнинг қўнчилиги ёшлардан иборат бу мусобақа қизини давом этмоқ-да. Шартга қўра, унинг беш голиб апрель ойида Тошкент-да ўтадиган республика 36-чемпионатида илтирок этиш ҳуқуқини олади.

М. МУҲИДИНОВ,  
СССР спорт мастери.

Редактор  
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри,

№ А-1685. ИНДЕКС — 64897. Р. 01214.

## Реклама Эълонлар

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатувлар програм-масы.

Рус тилида: 18.30 — «Ахборот» инфор-мация программаси, 18.45 КПСС XXIV съезди шарафига. «Ташаббус қўлаб — қувватлан-ди».

Ўзбек тилида: 19.00 — «Меҳнат ва турмуш» журнали саҳифалари, да, 19.50 — «Ахборот» инфор-мация программаси, 20.00 — Теле-визион театр. Н. Нечволодова, Л. Резинченко «ВОЛОДА УЛЬЯНОВ» (3-қисм).

20.45 — «Қизил қўм» (бадий фильм), 22.00 — Ўзбекистон об-ластларининг КПСС XXIV съезди-га бағишланган телевизион фести-вали. Хоразм области, 23.20 — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Алфон тоғлар ҳўжайини» (телефильм), 20.40 — Телеомошабинлар талаб-ларига мувофиқ. «Кўлинг» Фильм-кошперт, 21.10 — «Адабий сешанба» (телефильм).

## Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/11 да Дилором. ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/11 да Олтин девор. МУҚИМИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/11 да Фаргона тоғи отгунча, 12/11 да Менинг жаннатини.

## Кино

Чемпион — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛИНИ», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кеч қўрури), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 8 да).

Биринчи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИНИ», «ВОСТОК».

Икки оқсан сир (2 серия, кундуз соат 2, кеч 8 да).

Хотинининг номуи (Ўзбек тилида, кундуз соат 4.40 минутта) — НАВОИЙ НОМИ.

Севги нафосати — «ЎЗБЕКНИ ТОН 25 ЙИЛИНИ» (кундуз ва кеч қўрури).

Директор — «ЧАЙКА» (кеч соат 8 да).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА МАВСУМ ОЧИЛАДИ ТЕАТР РЕПЕРТУАРИДА: «БЕШ КУНИК КУЕВ», «УЛИМЛАРИН ҚОЛДИРИБ ДОҒДА», «УН САККИЗ ЕШЛИГИМ», «УЧИНЧИ ОРУЗ», «ДИЯДОР», «БАҲС», «БИРИНЧИ БУСА» спектакллари бор.

ҚИММАТЛИ УРТОҚЛАРИ Совет Армияси кўни билан яқин ва танишларинингизнинг кўнглини олмақчи бўлсангиз уларни ўз вақтида табриклаш-ни унутманг!

Эслаб ўтганимиз, таниш-ларингизга юборган хўрмат белгиларини ўз вақтида ет-казилиши

ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ Табрик хатлари, отқиритқалар, баилероллар, посылка ва поч-та переводаларини юборишни сўнгги қўнларга қолдирмас-дан 17 февралгача почтага топширишингизни маслаҳат берамиз. Шу мулдатдан сўнг уларни ўз вақтида етказиб бе-риш гаранталанмайдиган.

13 ДАН 16 ФЕВРАЛГАЧА Совет Армияси кўни муноса-бати билан бериладиган табрик-телеграммалари ва фото-телеграммалар

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Етказиб бериш кўни кўрсат-тилар табрик телеграммалари фақат 16 февралгача қабул қилинади.

16 февралдан сўнг берилган табрик телеграммаларини ўз вақтида етказиб бериш гаран-тиланмайдиган.

Адресларини тўғри ва аниқ ёзиш.

Шаҳарлардаги адресантлар-га етказиб берадиган ало-қа бўлимининг номларини ал-батта кўрсатиш керак.

ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ.

Главташкентстройнинг «Жил-строй» трестига қарашли

«БЛАГОУСТРОЙСТВА» КУ-РИЛИШ БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛДИ

Давролар 28 февралгача қа-бул қилинади.

# ТЕРМА КОМАНДАНИНГ ЯНГИ МАРШРУТЛАРИ

СССР терма командаси фут-болчилари янги мавсумга тай-ёргарликлари Болгарияда, январь ойидаёқ бўлиб юборишган эди. Бундан эрта тайёргарлиқнинг боиси шундаки, совет футболчи-лари Европа чемпионатининг саралаш ўйинларини 30 майда Испания командаси билан бўла-диган учрашув билан бошлаб юборишди. Бу матч Москвада бўлади. Терма командасида ке-йинчалик тўрттинчи саралаш группасидаги бошқа рақиблари Шинюлий Ирландия ва Кипр футболчилари билан ҳам белла-шади.

СССР терма командасига ян-ги етарши тренер Валентин Николов ва тренер Алексей Парамоновлар раҳбарлик қи-лишмоқда.

Валентин Николовс биз билан бўлган суҳбатда терма коман-данин режалари билан ўртоқ-лашди.

— Ўнг аввало ўйинчиларнинг умумийсониини тайёргарлигига катта эътибор берамиз. Ҳозирги замон, тезкор футболда умум-жисмоний тайёргарлик сўзаси катта роль ўйнайди. Футболчи-нинг мавсум бошида жисмоний жиҳаддан чиққан бўлиши ко-мандани бир неча ойлаб яхши формада бўлишига имкон бера-ди. Мексикада бўлиб ўтган жа-ҳон чемпионати—техник усул-лар, чиройли комбинациялар жуда моҳирлик билан бажари-либ, ишчибозларни ҳайратга солган бўлса-да, аммо у сус-кашлик билан амалга оширилса

кутилгандек нафи етмаслигини кўрсатди. Финтлар юқори тез-ликда бажарилгандагина чина-кам фойда бериши мумкин. Пе-ле, Жаирзиньо, Ривелино, Бак-кейбауэр, Либуда, Мюллер ва бошқа маҳоратли футболчилар-нинг ўйини бунга мисол бўла-олади. Машғулот давомида тай-ёргарлиқнинг бу томонига ҳам жиҳдий эътибор берамиз.

Шу қўнларда терма коман-даниз Латин Америкасида меҳ-мон бўлиб турибди. Футболчи-лариниз Лимада Перу чемпи-они «Кристала» билан учрашиб, 2:1 ҳисобда голиб келди. Со-вет футболчилари бу ердан Па-нама, Коста-Рика, Сальвадор ва Мексикага ўтади.

Сафар бир ойга яқин давом-этади. Сўнгга СССР терма ко-мандаси футболчилари ўз клуб-ларида чемпионат ўйинларида тайёргарлик қўрадилар. 20 май-да эса Испания командаси бил-ла бўладиган ўйинга таралдух қўриш учун, яна йилгиллашади.

Валентин Николовс терма команданига таълиф этган фут-болчилар қимлар? Булар дарвоза-боллар: Виктор Баников («Тор-педо» Москва), Леонид Шмуд-дин («ЦСКА» ва Владимир Олей-нин («Спартак» Оржоникдзе), ҳа-моилчилар: Юрий Истомин, Аль-берт Шестернев, Владимир Кампичини, Марьян Платежко (ҳаммаси — ЦСКАдан), Эри-кий Лочев («Спартак» Москва), Реваз Дзодуашвили («Динамо» Тбилиси); ярим ҳимончилар: Владимир Федотов ва Николай Долгов (иккаласи ЦСКАдан),

Владимир Мунтян («Динамо» Киев), Николай Киселёв («Спар-так» Москва), Игорь Кульчи-цкий («Карпати» Львов); ҳўжум-чилар Геннадий Евровихин ва Владимир Эштреков (иккаласи «Динамо» Москвадан), Борис Косейкин ва Владимир Дуда-ренко (иккаласи ЦСКАдан), Ги-ни Нодия («Динамо» Тбилиси ва Виталий Шевченко («Неф-чи» Боку)лардир.

## СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ

МАВСУМГА

ТАЙЕРЛАНМОҚДАЛАР

Бу рўйхатда тўрт ўйинчи — дарвозабон Юрий Ишенич-ков, ҳимоятчи Вадим Иванов, ярим ҳимоятчилар Виктор Папа-ев ва Виктор Колодотлар йўқ. Улар турли сабабларга кўра командадан чиқарилган. Вален-тин Николовс улар ўрнига беш янги ўйинчини терма командата киритган. Ана шу беш ўйин-чининг бири дарвозабон Ле-онид Шмуддин. Маълумки, Л. Шмуд Мехикода жаҳон чемпионатида илтирок этган, лекин бироята ўйинда қўнлаш-маган эди. Старший тренер бошқа дебютантлар ҳақида фикрларини қўйидагича изҳор қилди.

Владимир Олейникни мен-га таълиф мутахассислар Борис Набоков ва Алексей Калинин-лар тавсия қилишди. Улар 20 ёшли голкпернинг ўйинларини анчадан бери кузатиб юришган

экан. Олейник сўнгги икки ма-всумдан бери СССР ёшлар тер-ма командаси ва ўз клуби дар-возасини муваффақият билан ҳўзига қилиб келмоқда. Бу спортчи яхши реакциеси, чақ-қонлиги,